

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.18.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ҲАСАН АБДУСАИТОВИЧ

**МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ
БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05. - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Рахимов Ҳасан Абдусайтович

Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни баҳолаш ва таҳлил қилишни
такомиллаштириш 3

Рахимов Ҳасан Абдусайтович

Совершенствование анализ и оценка эффективности путей гостиничных
хозяйствах 27

Rakhimov Hasan Abdusaitovich

Improvement of the efficiency of analysis and evaluation in hotel business 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.18.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ҲАСАН АБДУСАИТОВИЧ

**МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ
БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05. - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифа (www.sies.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим партали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пардаев Олим Мамаюнович
иқтисод фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашев Раҳматулло Хидирович
иқтисод фанлари доктори, профессор

Тўйчиев Алишер Жўраевич
иқтисод фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSC.27.06.2017.1.18.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил __ декабрь соат __⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй.Тел.: (99866) 233-28-38, факс: (99866) 231-12-53, e-mail:ilm@sies.uz.

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Шохрух Мирзо кўчаси, 60-уй.Тел.: (99866) 233-34-76, факс: (99866) 231-12-53, e-mail:ilm@sies.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

И.С.Тухлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

М.М.Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. XXI асрда жаҳонда туризмнинг ривожланиши янги босқичга кўтарилди ва жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоғига айланиб бормоқда. Дунё ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 10 фоизи, умумий экспорт ҳажмининг 7 фоизи туризм ҳиссасига тўғри келмоқда. Бутунжаҳон туристик ташкилотининг (БТТ) маълумотларига биноан туризм дунё миқёсида товарлар ва хизматлар экспорти бўйича тўртинчи ўринни (автомобиль, химия ва ёқилғи маҳсулотлари экспортидан кейин), даромадлилик даражаси бўйича учинчи ўринни (нефть ишлаб чиқариш ва автомобилсозлик саноатидан кейин) эгаллаб келмоқда¹.

Жаҳонда туризм салоҳияти имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булар туризм соҳасини ривожлантиришни таъминлаш, туристик хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш, меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг халқаро андозаларга мос турларини такомиллаштириш ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг ўсишида туризм улушини ва меҳмонхона хизматлари сифатини мунтазам ошириб бориш масалаларига қаратилган. Ушбу йўналишлар меҳмонхона хўжаликлари самарадорлигини оширишни, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллариини такомиллаштиришга қаратилган комплекс тадқиқотлар олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш...”² масаласи устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Туризм инфратузилмасининг асосини меҳмонхона хўжалиги ташкил қилади. Бугунги кунда туризмни мутаносиб ривожлантириш мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий меҳмонхоналарни барпо этишни тақозо қилади. Аммо меҳмонхоналарнинг турларини ўзимизга ва ҳудудлар эҳтиёжига мос равишда жойлаштириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар самарадорлиги ва сифатини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва иқтисодий адабиётларда кам ёритилганлиги мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

¹UNWTO. Tourism Highlights 2017 Edition.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5326-сон Фармони, 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сон Қарори, 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сон Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технология ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм соҳаси ва унинг таркибида меҳмонхона хўжалиги иқтисодийнинг муҳим тармоғи сифатида жаҳон ва мамлакатимиз олимлари диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, мазкур муаммонинг илмий-назарий ва методологик ҳамда амалий муаммолари хорижлик олимлардан Ф.Котлер, Дж.Боуэн, Дж.Мейкенс, Дж.Уокер, Л.Ф.Ходорков, Ю.Ф.Волков, А.Д. Чудновский, Н.М.Кулдошина, А.Браймер, А.Л.Лесник, И.П.Мащицкий, А.В.Чернишев, А.Б.Косолапов, В.А.Квартальнов, М.В.Якименко, А.Э.Саак, Дж.А.Мичелли, Л.П.Шматко, Л.В.Жолобова, Г.И.Ляшко, Д.С.Ушаков, В.Г.Федцов ва бошқалар¹ томонидан тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизда туризм соҳаси, унинг таркибий қисми бўлган меҳмонхона хўжалиги хизматлари самарадорлиги ва сифатини ошириш муаммоларини тадқиқ қилиш билан Н.Тухлиев, И.С.Тухлиев, М.К.Пардаев, Т.Абдуллаева, М.Т.Алиева, Ғ.Ҳ.Қудратов, М.М.Муҳаммедов, К.Б.Уразов, Х.М.Маматкулов, Р.Х.Эргашев, М.Э.Пўлатов, Н.Э.Ибадуллаев, Р.Ҳайтбоев,

¹Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенс Дж. Маркетинг. Гостеприимство и туризм. / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1998., Уокер Дж. Введение в гостеприимство. Учеб. Пособие / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1999., Ходорков Л.Ф. Мировое гостиничное хозяйство. – М.: 1991, Волков Ю.Ф. Гостиничный и туристический бизнес. – Ростов н/Д: Феникс, 2009. – С.637, Туризм и гостиничное хозяйство / Под ред. А.Д. Чудновского. – М.: “Эксмо”, 2000., Кулдошина Н.М. Экономика и финансы гостиничного бизнеса. – М.: МАТГР, 2000., Браймер А. Основы управления предприятиями и организациями индустрии гостеприимство. – М.: 1994, Организация и управление гостиничным бизнесом. / Под ред. А.Л.Лесника, И.П.Мащицкого, А.В.Чернишева – М.: 2000, Саак А.Э., Якименко М.В. Менеджмент в индустрии гостеприимства (гостиницы и рестораны). – СПб.: Питер, 2007. – С.432, Косолапов А.Б. Теория и практика экологического туризма. – М.: 2005., Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. – М.: “Советский спорт”, 2004., Мичелли Дж.А. Rits-Carlton: золотой стандарт гостиничного бизнеса нового тысячелетия / Джозеф Мичелли: пер. с англ. В.С.Ивашенко. – М.: “Эксмо”, 2009. – С.320., Туризм и гостиничное хозяйство / Под ред. Л.П.Шматко. – Ростов н/Д: Феникс; Издательский центр «Март», 2010. – С.352, Федцов В.Г. Культура гостинично-туристского сервиса. – Ростов н/Д: “Феникс”, 2008. – С.503, www.rej.ru, www.reksoft.ru, www.hotelconcultinggroup.ru, www.hrs.ru, www.allstarshilton.com.

А.Ж.Тўйчиев, Қ.Ж.Мирзаев, Б.Рўзиметов, Б.Х.Тураев, Б.Ш.Сафаров, О.Х.Ҳамидов, М.Т.Алимова, А.Н.Холиқулов каби иқтисодчи олимлар¹ шуғулланмоқдалар.

Ушбу иқтисодчи олимлар илмий изланишларида туризм соҳаси ва меҳмонхона хўжаликларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, уларнинг мамлакатимиз ва ҳудудлардаги ўзига хос хусусиятлари, соҳага инновацияларни жорий қилиш ва самарадорлигини ошириш муаммолари ўз ифодасини топган. Мазкур тадқиқотларда меҳмонхона хўжалиги фаолиятига оид масалалар туризмнинг инфратузилмаси сифатида қараб чиқилган. Соҳада хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш масалалари, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари алоҳида тадқиқот объекти сифатида кам ўрганилган. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

¹ Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001. – С.208, Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденция и стратегия развития. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». –Т.: – 2006. – С.415, Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. С.503, Маматқулов Х., Тухлиев И.С., Бектемиров А. Халқаро туризм. – Т.: «Ўқитувчи», 2009., Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Т.: «Ўқитувчи», 2010., Пардаев М.Қ. ва бошқ. Экологик туризм асослари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2015. – 96 б., Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Рахимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2013. – 212 б., Пардаев М.Қ., Атабоев Р. Туризм асослари. – Самарқанд: СамИСИ – 2006. – 78 б., Пардаев М.Қ., Мусаев Х.Н. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.–Т.: «Иқтисод–молия». 2008. – 260 б., К.Б.Уразов ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2011. – 260 б., Қудратов Ғ.Х., Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Самарқанд: СамИСИ. 2007. – 71 б., Тухлиев И.С. ва бошқалар. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2014. –332 б., Ҳайтбоев Р., Сатторов А. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси. – Самарқанд: СамИСИ. 2009. – 83 б. Ҳайтбоев Р., Амриддинова Р. Туризмда маркетинг тадқиқотлари. – Самарқанд: СамИСИ. – 2010. – 64 б., Маматқулов Х., Туризм инфратузилмаси. – Самарқанд: СамИСИ. 258 б., Маматқулов Х.М. Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш. – Самарқанд: СамИСИ, 2012., Эргашев Р.Х. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.// “Инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодиётни модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истиқболлари” РИАА. Қарши – 2015. 244-246 б., Эргашев Р.Х. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. Ўша жойда. - 259-261 б.,”Ҳакимов З.Л. ва бошқ. Актуальные проблемы туризма – Т.: 2009. – С.280., Мирзаев Қ.Ж. Меҳмонхона хўжалиги менежменти. – Самарқанд: СамИСИ, 2010. – 96 б., Рўзиметов Б. Стратегия устойчивого развития туризма в Хорезмской области. // Актуальные проблемы туризма – Т.: 2009.– С.135-137., Туйчиев А.Ж., Остоноқулов О.Т. Хизмат кўрсатиш соҳасида аудитнинг хусусиятлари.. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2017. – 152 б., Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.: Фан, 2009. 153 с., Пулатов М.Э. Интеллектуал капитал =исоби ва та=лили: назария ва амалиёт масалалари. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. – 166 б., Ибодуллаев Н.Э. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари. И.Ф.Н., илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферат. – Самарқанд, 2010, 25 б., Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – 95 б., Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – 80 б., Ҳамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмининг такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – 68 б.

Тадқиқотнинг мақсади меҳмонхона хўжаликлари самарадорлигини ошириш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодийни модернизациялаш шароитида туризмни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлган меҳмонхона хўжаликларининг ўрни ва ролини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш, мазкур масала бўйича турли олимлар қарашлари таҳлил қилиниб, уларнинг такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;

меҳмонхона хўжаликлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг асосий йўналишларини қамраб оладиган ва уларнинг самарадорлигини ифодаладиган кўрсаткичлар тизими, таснифи ва аниқланиш йўллари ишлаб чиқиш;

меҳмонхоналар томонидан туристларга хизмат кўрсатишнинг ҳамма турларини қамраб оладиган битта субъектнинг хусусий мулкига асосланган бошқаришнинг энг самарали йўлларида бири бўлган “Меҳмондорчилик кластери”ни шакллантириш механизминини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

меҳмонхона хўжаликлари иқтисодий салоҳиятининг таркиби ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини асослаш, унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда таснифини аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиш;

туризм ва меҳмонхона хўжаликлари самарадорлигини оширишнинг бевосита кадрларга боғлиқлиги асосланиб, уларнинг малакали қарорлар қабул қилиш салоҳияти, ҳар бирига қўйиладиган талаблар, кадрларнинг ўзини сафарбар қилиш орқали меҳнат самарадорлигини ошириш имкониятлари, уларни баҳолаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти мамлакатимизда туризмни ривожлантириш тизимида меҳмонхона хўжалиги хизматларини кўрсатувчи фаолият билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети меҳмонхона хўжалиги хизматлари самарадорлигини ошириш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида таққослаш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, сабаб ва оқибат, статистик ва иқтисодий таҳлил усуллари, билиш назарияси (манتيкий таҳлил), монографик кузатиш, сўровнома ўтказиш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳмонхона хўжаликлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг асосий йўналишларини қамраб оладиган ва уларнинг самарадорлигини ифодаладиган кўрсаткичларнинг таснифи таклиф қилинган;

меҳмонхоналар томонидан туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг турларини чегарадан кутиб олиб, чегарагача кузатишни қамраб оладиган

битта субъектнинг хусусий мулкига асосланган бошқаришнинг энг самарали йўлларидан бири – “Меҳмондорчилик кластери”ни шакллантириш таклифи асосланган;

меҳмонхона хўжаликлари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таркиби жойлар сонини кўшган ҳолда такомиллаштирилган таснифи ишлаб чиқилган;

туризм ва меҳмонхона хўжаликлари самарадорлигини оширишнинг бевосита малакали кадрларга боғлиқлиги, ҳар бирига қўйиладиган талаблар, уларнинг ўзини сафарбар қилиш орқали меҳнат самарадорлигини ошириш имкониятлари “Ҳаммаси бир шахсда” концепциясидан фойдаланган ҳолда асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳмонхона хўжаликлари-нинг ўрни тадқиқ қилиниб, меҳмонхоналар категориясига (юлдузларига) қараб, улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг турларига аниқлик киритилган;

меҳмонхона хўжаликлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш ва баҳолаш бўйича турли олимлар қарашлари таҳлил қилинган ҳамда уларнинг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган;

рақобат муҳити ривожланаётган, соҳага инновацион жараёнларнинг тадбиқ этилаётган шароитидан келиб чиқиб, меҳмонхона хўжалиги фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи, аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари такомиллаштирилган;

меҳмонхона хўжалигида кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорлигини ҳамда рентабеллик кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари, мазкур кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ички имкониятларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги меҳмонхона хўжаликлари фаолиятини ўрганишда қўлланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар-нинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклиф ва тавсияларнинг меҳмонхона хўжаликлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг туризм ва меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Меҳмонхона хўжаликлариди самарадорлик, уларни баҳолаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

меҳмонхона хўжаликлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг асосий йўналишларини қамраб оладиган ва уларнинг самарадорлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар таснифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 11 декабрдаги 03-09/4322-сон далолатномаси). Мазкур таклиф қўмитанинг 2017 йил 18 августдаги 120и/ч-сон буйруғини амалга татбиқ қилишда, тегишли “йўл харита”ларини ишлаб чиқишда фойдаланилган бўлиб, унинг амалиётга жорий қилиниши меҳмонхона хўжаликлариди кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигига аниқ баҳо бериш ва уни ошириш бўйича таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини берган;

меҳмонхоналар томонидан туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг турларини чегарадан кутиб олиб, чегарагача кузатишни қамраб оладиган битта субъектнинг хусусий мулкига асосланган бошқаришнинг энг самарали йўлларида бири – “Меҳмондорчилик кластери”ни шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 11 декабрдаги 03-09/4322-сон далолатномаси). Мазкур таклиф қўмитанинг 2017 йил 14 февралдаги 21-сон буйруғи орқали амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган бўлиб, туризм соҳасидаги тадбиркорлар туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг барча жараёнларини ўзлари ҳисобидан хусусий мулк асосида ташкил қилиш орқали юқори самарадорликка эришилган;

меҳмонхона хўжаликлари иқтисодий салоҳиятининг таркиби, улар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи ва баҳолаш орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш ва улар асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш усуллари юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 06-06/1781-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияни амалиётга жорий қилиш натижасида меҳмонхона хўжаликлари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таркиби жойлар сонини қўшиб ҳисоблаш ва моддий-техника асосларидан самарали фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятига эга бўлган;

туризм ва меҳмонхона хўжаликлари самарадорлигини оширишнинг бевосита малакали кадрларга боғлиқлиги, ҳар бирига қўйиладиган талаблар, уларнинг ўзини сафарбар қилиши орқали меҳнат самарадорлигини ошириш имкониятлари “Ҳаммаси бир шахсда” концепцияси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Самарқанд

вилояти ҳудудий бошқармаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 06-06/1781-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши ходимларнинг ўзини сафарбар қилиб, бирданга бир қанча касбларни эгаллаш орқали меҳнат самарадорлигини ошириш ва меҳмонхона хўжаликларига ҳам фойда келтириш имкониятларини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 23 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзусида жами 60 та илмий иш, жумладан, 4 та монография (3 таси ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган журналларда 12 та мақола (жумладан, 10 та республика, 2 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, ҳимояга олиб чиқиладиган жиҳатлар, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, унда қўлланиладиган усуллар, апробацияси ва таркибий тузилиши ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи бобида **«Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳмонхона хўжаликларининг ўрни, улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг назарий масалалари»** қараб чиқилган. Унда мамлакатимиз миллий иқтисодиётини ривожлантиришда меҳмонхона хўжаликларининг ўрни ва аҳамияти, меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалар, меҳмонхона хўжалигида кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Меҳмонхона хўжаликлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг самарадорлигини ошириш учун унинг ҳолати ва ўзгариш тенденциясини тўғри ва аниқ баҳолашни, бунинг учун уларнинг мазмунини тўлиқ қамраб оладиган кўрсаткичлар тизимини, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари ишлаб чиқишни ҳамда самарадорликни оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишни тақозо қилади.

Тадқиқотлар натижасида меҳмонхона хўжалиги самарадорлигини ошириш учун меҳмонлар (туристлар)нинг барча талабларини инобатга олиш ва уларни тўла қондиришни таъминлаш лозим экан. Буларга:

- меҳмонларни жойлаштириш;
- уларни овқатлантириш;
- меҳмонларга савдо хизматларини кўрсатиш;
- меҳмонларга транспорт хизматларини кўрсатиш;

меҳмонларга дам олиш ва роҳатланиш учун зарур бўлган турли маданий хизматларни кўрсатиш;

меҳмонларга маиший хизматларни кўрсатиш;

меҳмонлар хавфсизлигини таъминлаш каби талабларни киритиш мумкин.

Меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлаш барча ҳолларда тўлиқ қафолатланган бўлиши лозимдир. Бундай хизматларни амалга ошириш учун соҳа ходимлари етарли билимга ва малакага эга бўлишини талаб қилади. Меҳмонларнинг талабларини тўлиқ қондириш ва самарадорлигини ошириш учун меҳмонхона хизматларини амалга оширадиган ходим профессионал малакага эга бўлиши билан бирга, маълум даражада психолог бўлишини ҳам тақозо этади. Ҳозирги шароитда ушбу ходимлар томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини аъло даражада бажарадиган бўлиши билан бирга, муомала маданиятига, ўз кўрки ва тароватига эга, зийрак ва ҳушёр бўлишлигини, бир қанча хорижий тилларни ҳам билишлигини талаб қилади.

Меҳмонхона хўжалигида самарадорликни баҳолашда яна шуни ино-батга олиш лозимки, меҳмонхона эгаси ёки шу хўжалик юритувчи субъект мазкур соҳага қўйган инвестициясидан етарли даражада фойда олишга эришмоғи, мавжуд моддий-техника асосларидан самарали фойдаланмоғи, ходимларнинг юқори меҳнат унумдорлигига эришмоғи ва харажатлардан ҳам тегишли самара олишни таъминлаши лозим. Ушбу даражага эришиш учун меҳмонхона хўжалигида самарадорликни ҳар томонлама баҳолашни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зуруратини туғдиради. Тадқиқотлар натижасида бундай кўрсаткичлар тизимини тўртта гуруҳга бўлишни тавсия қиламиз:

меҳмонхона хўжалигига қўйилган активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

меҳмонхона хўжалиги моддий-техника асослари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

меҳмонхона хўжалигида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

меҳмонхона хўжалиги харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Буларнинг боғлиқлигини қуйидаги чизмадаги каби ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Меҳмонхона хўжалиги фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи¹

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида такомиллаштирилган.

Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлари ўз навбатида, бир қанча гуруҳларни қамраб олади. Масалан, улардан бири меҳмонхона хўжалигига қўйилган активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Бу гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин: узоқ муддатли активлар рентабеллиги; жорий активлар рентабеллиги; умумий инвестициянинг қопланиш коэффиценти. Буларнинг чизмаси қуйидагича ифодаланади (2-расм).



2-расм. Меҳмонхона хўжалигида активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи¹

Меҳмонхона хўжалиги моддий-техника асослари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам бир қанча кўрсаткичларни қамраб олади. Ушбу субъектлар хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу гуруҳ кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш тавсия қилинади: битта жойга тўғри келадиган ўртача тушум; меҳмонхона хўжалиги койка/кунларидан фойдаланиш коэффиценти; меҳмонхона хўжалиги койка/кунлари самарадорлиги коэффиценти. Бу қуйидаги чизмада келтирилган (3-расм):




3-расм. Меҳмонхона хўжалиги моддий-техника асослари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи²

Меҳмонхона хўжалигида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам муҳим иқтисодий кўрсаткичлар сифатида уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум (меҳмонхона ходимларининг меҳнат унумдорлиги, қийматда); битта

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида такомиллаштирилган.


² Муаллиф тадқиқотлари асосида такомиллаштирилган.

ходимга тўғри келадиган ўртача койка/кунлари (меҳмонхона ходимларининг меҳнат унумдорлиги, натурал кўринишда). Булар қуйидагича ифодаланади (4-расм).



4-расм. Меҳмонхона хўжалигида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларнинг таснифи¹

Меҳмонхона хўжалигида яна муҳим кўрсаткичлардан бири уларга жорий йилда сарфланган харажатлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз: жорий йилда қилинган харажатлар рентабеллиги; ҳар бир фойдаланилган койка/кунларнинг таннархи. Буларни қуйидагича ифодалаш тавсия қилинади (5-расм).



5-расм. Меҳмонхона хўжалигида харажатлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи²

Тадқиқот жараёнида ушбу кўрсаткичларни аниқлаш, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш орқали ҳар бирининг яхшиланиши учун ички имкониятларни топиш йўллари кўрсатиб берилди. Бу масала меҳмонхона хўжаликлари фаолиятини баҳолашда ўта муҳим. Чунки, мазкур субъектларда самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тарзда ишлаб чиқилмаган ва мос равишда амалиётда қўлланилмасдан келинаётган эди. Шу туфайли мазкур тавсия нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Меҳмонхона хўжалиги фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи, аниқланиш ва таҳлил қилиш усуллари**”га бағишланган. Ушбу бобда туризм хизматлари таркибида меҳмонхона хўжалиги хизматларининг ўрни ва уларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари,

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида такомиллаштирилган.


² Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

меҳмонхона хўжалиги фаолиятини бошқариш ва самарадорлигини оширишнинг энг самарали йўлларида бири бўлган – “Меҳмондорчилик кластери”ни шакллантириш механизми, меҳмонхона хўжаликлари иқтисодий салоҳиятининг таркиби, улар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи ва баҳолаш орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш ва булар асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари тадқиқ қилинган.

Мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, меҳмонхона хўжаликлари самарадорлигини ошириш, улар томонидан туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва сифатини яхшилаш, хизмат турларини диверсификация қилиш, соҳани бошқариш механизмларини такомиллаштириш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Туризм ва меҳмонхона хўжаликларининг хусусий мулкка асосланганлигини инобатга олиб, уни бошқаришнинг энг самарали йўлларида бири бўлган битта субъектнинг хусусий мулкига асосланган – “Меҳмондорчилик кластери”ни шакллантириш механизми ишлаб чиқилди.

Туристларга хизмат кўрсатиш масаласининг нозиклиги шундаки, уларга кўрсатиладиган хизматларнинг юқори сифатлилигига эришиш билан бирга, хавфсизлиги ҳам тўлиқ таъминланганлигига ишонч ҳосил қилган бўлиши лозим. Шундагина туристлар оқими кўпаяди, соҳа тадбиркорлари маълум даражада муваффақиятга эришиб, харажатларнинг тежамкорлигини таъминлаган ҳолда фойда олишга ҳам эришади. Бунинг учун ҳозирги рақобат шароитида, меҳмондорчилик хизматларининг ҳамма турларини қамраб оладиган, хусусий мулкка асосланган битта субъект томонидан бошқариладиган самарали йўллари тадқиқ қилади.

Тадқиқот давомида меҳмондорчилик кластерига қандай хизматларни киритиш лозимлиги асосланди. Чунки, бундай хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг аксарият қисми ҳозирги пайтда асосан ўз мулкига таянган ҳолда, ҳар бирига боғлиқ бўлмаган шаклда алоҳида фаолият кўрсатади. Меҳмондорчилик жараёнида кўрсатиладиган хизматларнинг асосий элементларининг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилди (6-расм).




6-расм. “Меҳмондорчилик кластери”нинг ташкилий тузилмаси¹

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

Мазкур расмда меҳмонларга (туристларга) кўрсатиладиган деярли барча хизматларнинг турлари келтирилган. Тадқиқот жараёнида ушбу хизматларни кўрсатувчи субъектлар турли мулк эгалари бўлгандаги ҳолати ва бир кишига қарашли хусусий мулкка асослангандаги ҳолати қиёсий таҳлил қилинди.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, меҳмондорчилик хизматларини амалга оширишда хизмат кўрсатувчи турли субъектларнинг алоҳида фаолият юритадиган ҳолатидан кўра, турли мулк шаклидаги субъектларнинг шартнома асосида бирлашиб, «Меҳмондорчилик кластери»ни ташкил қилиши самарали бўлади. Бунга нисбатан эса битта шахснинг хусусий мулкига асосланган «Меҳмондорчилик кластери» янада самарали эканлиги аниқланди. Бунинг кетма-кетлиги қуйидаги расмда келтирилган (7-расм).



7-расм. Меҳмондорчилик хизматларини хусусий мулкка асосланган “Меҳмондорчилик кластери” орқали амалга оширишнинг самарали эканлиги¹

Кўриниб турибдики, меҳмонхона хўжалигининг меҳмондорчилик хизматларини амалга оширишда хизмат кўрсатувчи субъектлар билан шартнома асосида фаолият кўрсатганда даромадлар миқдорини 100, % деб қабул қилинса, турли мулк шаклидаги “Меҳмондорчилик кластери” анча самарали, бунга нисбатан ҳам битта шахснинг хусусий мулкига асосланган “Меҳмондорчилик кластери”нинг даромадлари ҳажми 9,7 мартага юқори эканлиги аниқланди. Таҳлил натижалари ушбу хизматлар бир кишининг мулки бўлганда турли мулк эгаларига нисбатан нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам самарали эканлигини кўрсатди.

Туристларни жалб қиладиган яна бир омил – йўлланма нархининг нисбатан арзонлигидир. Бунга эришиш учун ҳам барча хизматларни бир шахс мулкига асосланган ҳолда ташкил қилиш лозим экан. Чунки ҳар бир хизматни кўрсатувчи субъект меҳмонхона буюртмасига асосан хизмат кўрсатганда хизматнинг таннархига ўзининг фойдасини ва бошқа тўловларни киритган ҳолда қўшиб ҳисоблайди ва мос равишда ушбу хизмат қиймати юқори бўлади. Агар ушбу хизматлар меҳмонхонанинг ўз ихтиёрида бўлса, фақат таннарх ҳисобланади, қолган қисми меҳмонхонанинг ўзига фойда

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

бўлиб қолади. Натижада меҳмонларга кўрсатиладиган хизмат тури ҳам жуда арзонга тушади ва мос равишда йўлланма нархи ҳам арзонлашади. Ушбу ҳолатни қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Меҳмонхонада 10 та турист битта маршрут бўйича транспорт воситасидан (кичик автобусдан) фойдаланган ҳолда сайр қилишини танладик. Агар ушбу 10 кишилиқ кичик ҳажмли автобусни ижарага олса, меҳмонхона меҳмонларни сайр қилдириш учун бир кунда 1250,0 минг сўм тўлаши лозим экан. Агар ўзининг транспортдан фойдаланса, барча харажатлари, амортизациясини кўшган ҳолда 450,0 минг сўмни ташкил қилиши аниқланди. Демак, меҳмонхонанинг ўзида автобус бўлса, харажатлар 2,8 марта (1250,0 / 450,0) кам сарфланар экан. Худди шундай бошқа хизматлар ҳам ўз мулкига асосланган бўлса, меҳмонхонага жуда арзонга тушиши ҳисоб-китоб қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

2017 йил май ойида 17 та меҳмонхона хўжаликларида ўтказилган тадқиқот натижасида ягона мулкка асосланган “Меҳмонхона кластери”нинг ўртача бир кунга 10 нафар туристга тўғри келадиган даромадлар ва харажатларнинг ҳисоб-китоби¹

Т/р	Кўрсаткичлар	Турли мулкка асосланганда, минг сўм	Бир кишининг мулки бўлганда, минг сўм	Ягона мулкнинг самарадорлиги	
				Сўмда, минг сўм	Фоизда, %
Даромадлар					
1.	Овқатланиш шаҳобчаси, 3 маҳал овқатланганда	162,0 ²	950,4 ³	+788,4	586,7
2.	Савдо шаҳобчаси, (ижара ҳақи ва кирим қилинадиган савдо тушуми)	85,0	2145,0	+2060,0	25,2 марта
3.	Сауна	-	200,0	+200,0	X
4.	Тиббиёт хонаси (массаж билан)	85,0	180,0	+95,0	211,8
5.	Интернет ва бошқа ахборот технологиялари	85,0	160,0	+75,0	188,2
6.	Гид хизмати	-	200,0	+200,0	x
7.	Такси буюртмаси, (230,0 минг сўм меҳмонхонаники)	-	230,0	+230,0	x
8.	Туристтик фирма	-	-	-	-
	ЖАМИ	417,0	4065,4	+3648,4	974,9
Харажатлар					
9.	Транспорт воситаси, 1 та автобус 1 кунда	1250,0	450,0	-800,0	36,0
10.	Конференц зал (меҳмонхонада ва ижарага олганда)	100,0	20,0	-80,0	20,0
	ЖАМИ	1350,0	470,0	-880,0	
	ҲАММАСИ	x	x	+4528,4	x

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган.

² Бинодан фойдаланганлиги учун фақат ижара ҳақи олади.

³ Меҳмонхона овқатларни ўзи тайёрлаб сотади.

Жадвалдаги маълумотларнинг ҳисоб-китоби овқатланиш хизмати бўйича қуйидагича аниқланди. Туристларнинг шу меҳмонхонага қарашли овқатланиш шаҳобчасида 3 маҳал овқатлангандаги ва бу бошқа овқатланиш шаҳобчаларида амалга оширилгандаги ҳолат қиёсий ўрганилди. 10 та меҳмон меҳмонхонада овқатланганда нонуштага ўртача 16,2 сўмдан тўғри келади ва жами 162,0 минг сўм даромад келтиради. Тушлик овқати 40,44 минг сўмдан тўғри келмоқда. Бу 10 кишига 404,4 минг сўмни ташкил қилади. Кечки овқатнинг ўртача қиймати ҳар бир туристга 38,4 минг сўмдан тўғри келмоқда. Бунинг умумий қиймати 384,0 минг сўмга тенг бўлмоқда. Жами бир кунлик даромад 950,4 минг сўмга (162,0+404,4+384,0) тенглигини кўрамиз. Агар улар бошқа жойда овқатланса ҳам фақат шу нонушта учун меҳмонхонага 162,0 минг сўмгина даромад келтирган бўларди. Меҳмонхонанинг овқатлантириш ҳисобидан туристик хизмат ҳажми бир кунда 3 марта овқатланганда фақат нонушта қилдирганига нисбатан 5,5 марта (950,4/162,0) кўплигини кўрамиз. Ушбу йўл билан туризмнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги (ЯХМ) ва мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши ортиб боради. Агар бунга бошқа хизматларни ҳам қўшадиган бўлсак, туризмда яратилган ЯИМнинг ҳажми реал олиб қаралганда анча юқори эканлигини кўриш мумкин.

Савдо шохобчаси ҳам ижарага берилган ёки мулк эгаси томонидан ташкил қилинган бўлиши мумкин. Агар ижарага берилса, меҳмонхонанинг даромади фақат ижара ҳақидангина иборат бўлади. Бу бизнинг мисолимизда бир кунда 85,0 минг сўмни ташкил қилади.

Агар меҳмонхонанинг ўзи савдони ташкил қилса, барча оборотни ўзи қирим қилади. Бу ҳолда ўртача тушум 2145,0 минг сўмга тенг бўлади. Бу ижара ҳақиға нисбатан 25,2 марта кўп (2145,0/85,0) демакдир.

Сауна хизмати бор меҳмонхоналардаги тушум таҳлил қилинганда, шунга амин бўлдикки, меҳмонларнинг бир қисми, айниқса, кечги пайтда сауна қилишни ёқтирар экан. Агар меҳмонхонада саунаси йўқ бўлса, ҳеч қандай зарар ёки фойда кўрмайди, аммо ушбу хизмат ташкил қилинса, меҳмонхоналар 10 та меҳмонга хизмат қилиб, ҳар биридан 20,0 минг сўмдан, жами 200,0 минг сўм қўшимча даромад қилиши асосланди.

Меҳмонхонада тиббиёт хонасининг мавжудлиги ҳам меҳмонларга қулайлик туғдириши билан бирга, меҳмонхонага ҳам фойда келтиради. Агар бирорта хонани уларга ижарага берса, ўрта ҳисобда 85,0 минг сўм даромад қилишлиги, агар уни ўзи ташкил қилиб, сотилган тиббий хизмат тушумини битта ғазнага туширадиган бўлса (ташқаридан ҳам даволанувчилар келиши чекланмаган ҳолда), умумий ўртача даромади 180,0 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Худди шундай, интернет ва бошқа ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатувчи хизматлар, гид ва такси хизматини ўзида ташкил қилиш каби хизматлар ҳам меҳмонхона учун самарали эканлиги кўриниб турибди. Ҳозирги шароитда меҳмондорчилик хизматларидан бири унда конференцзал бўлишлигини талаб қилади. Ушбу зални ижарага олганда, ўрта ҳисобда 100,0 минг сўм тўлашига тўғри келади, агар ўзиникидан фойдаланганда харажатнинг миқдори атиги 20,0 минг сўмни ташкил қилади.

Бу ерда ҳам фойда харажатларни тежаш эвазига эришилади.

Кўриниб турибдики, хусусий мулкка асосланган “Меҳмондорчилик кластери”да барча фойда суммаси турли мулкдаги субъектларни бирлаштириш эвазига ташкил қилинган “Меҳмондорчилик кластери”га нисбатан 10 баробардан кўпроқ фойда қилар экан. Буни тавсияларимизни амалиётга жорий қилиб, хусусий мулкка асосланган “Меҳмондорчилик кластери”да жуда катта фойдага эришиш мумкинлиги асосланди. Бу туризмда яратилган маҳсулотларнинг реал баҳоланишини таъминлаш билан бирга мамлакат ЯИМдаги улушининг ошиб боришига ҳам сабаб бўлади. Зеро, ҳозирги пайтда туризмда яратилган кўпгина маҳсулотлар бошқа соҳаларда (овқатланиш, савдо, маданий, маиший каби хизматлар таркибида) ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ташқи туризм билан бирга, ички туризмни ҳам ривожлантириб, соҳани иқтисодийнинг етакчи тармоғига айлантириш масаласи устувор қилиб белгиланди. Бунда муҳим ўринни эгаллайдиган туризм инфратузилмалардан бири меҳмонхона хўжаликларини кўпайтириш ва уларда кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишдан иборатдир.

Тадқиқот жараёнида туризмни ривожлантириш учун муҳим йўналиш ҳисобланган меҳмонхона хўжаликлари иқтисодий салоҳиятининг таркиби, самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи ва баҳолаш орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари аниқланди.

Меҳмонхона хўжаликларида хизматлар сони ва сифатини ошириш учун унинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш, унинг таркиби, самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи ва аниқ баҳолаш орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш ва булар асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда корхоналар иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича айрим фикрлар айтилган. Унда, асосан, иқтисодий салоҳиятга тўртта элемент кириши исботланган. Буларга: асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат салоҳияти киритилган. Меҳмонхона хўжаликлари иқтисодий салоҳиятининг таркиби соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб, улар таркибига яна меҳмонхонанинг меҳмонларни қабул қилиш қувватини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ, деб топдик. Шу туфайли меҳмонхона хўжаликларида иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тўрттадан бештага кўпайди. Ишда ушбу ўзгаришлар атрофлича тадқиқ қилинди.

Маълумки, иқтисодий жараёнларни, шу жумладан, хизмат кўрсатиш жараёнларини содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштироки таъминланса, меҳмонхоналарда ҳам хизмат кўрсатиш жараёни содир бўлади. Ушбу хизматларни сотиш орқали меҳмонхона хўжалигининг барча харажатларини қоплаб фойда олиш

таъминланади ва хизмат кўрсатиш жараёнининг пировард мақсади, молиявий натижавийлик амалга ошади.

Ҳозирда иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилишда фақатгина бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашган меҳмонхона хўжалиги тасарруфидаги моддий ва номоддий бойликлар (активлар) инobatга олинади. Аммо бу унинг иқтисодий фаолияти тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун етарли эмас. Бу эса меҳмонхона хўжалигининг иқтисодий аҳволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш имконини бермайди. Бунинг учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурсларини ва меҳмонхона хўжалигининг жойлаштириш қувватини ҳам қўшган ҳолда таҳлил қилишни тақозо қилади.

Юқоридагиларни инobatга олиб, бозор муносабатлари шароитида корхонанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишга бағишланган бир қанча асарлар, айнан Ўзбекистонда пайдо бўлди¹. Муҳими, ушбу кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар меҳмонхона хўжаликлари молиявий ҳисоботларида ўз ифодасини топади. Буларни инobatга олиб, ушбу кўрсаткичларни қуйидагича шакллантириш мумкин (8-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, меҳмонхона хўжалигининг меҳмонларга хизмат кўрсатиш жараёнининг, албатта, моддий-техник таъминоти, яъни ускуналар, жиҳозлар, бино, материаллар каби ашёлар билан биргаликда меҳнат ресурслари ва номоддий активлар ҳам иштирок этади. Маълумки, ҳар қандай илғор техника, юқори сифатли ашёвий материаллар ўз-ўзидан иқтисодий жараённи содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди ёки хизмат кўрсатиш жараёнини амалга оширмайди. Унга, албатта, одамнинг аралашуви, яъни жонли меҳнатнинг иштироки зарур бўлади. Меҳмонхона хўжаликлари иқтисодий салоҳиятини баҳолаш орқали унинг самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш ва булар асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш бугунги кескин рақобат шароитида ўта муҳимдир. Бунга улар фаолиятини чуқур таҳлил қилиш орқалигина эришилади. Бу эса, бир қанча масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Меҳмонхона хўжалиги иқтисодий салоҳиятини (Ис) баҳолашда бешта гуруҳ кўрсаткичларни киритишни инobatга олиб, қуйидаги формула шакллантирилди:

$$\text{Ис} = \text{Ав} + \text{Айм} + \text{На} + \text{Мр} + \text{Мхқ} ;(1)$$

Бунда: Ав – асосий воситалар қиймати;

Айм – айланма маблағлар қиймати;


На – номоддий активлар қиймати; Мр – меҳнат ресурсларининг шартли қиймати;

Мхқ – меҳмонхона хўжалиги умумий қувватининг шартли қиймати.

Тадқиқот жараёнида ушбу кўрсаткичларни аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда ҳисоблаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилди. Юқоридаги кўрсаткичлар тизими асосида комплекс кўрсаткични аниқлаш усуллари ҳам тавсия қилинди.

¹Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2003. – 256 б., Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма.– Т.: “Меҳнат”, 2004. – 488 б., Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма /проф. М.Қ.Пардаевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2016. – 504 б. ва ҳ.к.

Диссертациянинг учинчи боби “**Меҳмонхона хўжаликлариди самарадорликни ифдаловчи кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили**”га бағишланган бўлиб, унда меҳмонхона хўжалигида инвестиция ва меҳнат самарадорлигини оширишда “**Ҳаммаси бир шахсда**” концепциясини амалга тадбиқ этиш ҳамда рентабелликни ифдаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали уларни оширишнинг ички



8-расм. Меҳмонхона хўжалиги иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифдаловчи кўрсаткичлар тизими¹

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида такомиллаштирилган.

имкониятларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари қараб чиқилган.

Туризм ва меҳмонхона хўжаликлари самарадорлигини оширишнинг бевосита кадрларга боғлиқлигига асосланиб, уларнинг “Ҳаммаси бир шахсда” концепциясини жорий қилиш орқали малакали қарорлар қабул қилиш йўллари кўрсатиб берилди. Кадрларнинг ўзини сафарбар қилиш механизмларини жорий қилиб, ҳар бирига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган меҳнат салоҳияти ва самарадорлигини ошириш, уларни баҳолаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш усуллари асосланди.

